

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНЖОНОВ МИРЖАЛОЛ МУҚИМЖОН ЎҒЛИ

***n*- ВА *m*-ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙ КИСЛОТАЛАРНИНГ АЙРИМ
ДИАЛМАШИНГАН ҲОСИЛАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мўминжонов Миржалол Муқимжон ўғли <i>n</i> - ва <i>m</i> -ферроценилбензой кислоталарнинг айрим диалмашинган ҳосилаларини ўрганиш ва синфлаш.....	3
Муминжонов Миржалол Муқимжон угли Исследование и классификация некоторых дизамещённых производных <i>n</i> - и <i>m</i> -ферроценилбензойных кислот.....	21
Muminjonov Mirjalol Mukimjon ugli Study and classification of some disubstituted derivatives of <i>p</i> - and <i>m</i> - ferrocenylbenzoic acids.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНЖОНОВ МИРЖАЛОЛ МУҚИМЖОН ЎҒЛИ

***n*- ВА *m*-ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙ КИСЛОТАЛАРНИНГ АЙРИМ
ДИАЛМАШИНГАН ҲОСИЛАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К320 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асқаров Иброҳим Раҳмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримкулов Қурбонқул Мавлонқулович
техника фанлари доктори, профессор

Исақов Муҳаммаджон Юнусович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD. 03/30.12.2019.К.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил ‘29’ XII соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч. 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91 e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил “16” XII куни тарқатилди.

(2020 йил “ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)



[Handwritten signature]

В.У.Хўжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

М.Нишонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тех.ф.н., профессор

[Handwritten signature]

Ш.В.Абдуллаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолиси сони жадал суръатда ортиб бораётган ҳозирги даврда, инсониятни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Бу эса ўсимликларни комплекс ривожланишини тезлатувчи, ҳосилдорлигини оширувчи, саломатлик учун безарар ҳамда экологик тоза кимёвий бирикмалар яратиш ва қишлоқ хўжалигига тадбиқ қилишни тақозо этмоқда. Шунинг учун, таркибида ферроцен тутган биостимуляторлар синтез қилиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ҳозирги пайтгача олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида ферроцен асосида кўпгина биостимуляторлар синтез қилинган ва қишлоқ хўжалигига жорий этилган. Бу эса, мазкур препаратлардан физиологик фаоллиги юқори бўлган, экологик тоза, иқтисодис самарадорлиги юқори ва зарарсиз биостимуляторларни яратишни тақозо этади. Бунинг учун, каталитик таъсирни кучайтирувчи ароматик бензол халқалари тутган ферроцен бирикмаларини синтез қилиш, уларни кимёвий таркиби ва тузилишини ўрганиш билан бирга биологик фаоллигини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, ферроценнинг оксифенил ва карбоксифенил ароматик ўринбосарлари тутган янги бирикмаларини синтез қилиш, хоссаларини ўрганиш, синфлаш ва сертификатлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда кўлланиладиган биостимуляторлар синтез қилишда янги инновацион технологиялар жорий қилиш бўйича мақсадли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш: таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам таркибида окси- ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган ферроценнинг янги биологик фаол ҳосилаларини синтез қилиш, хоссаларини ўрганиш, синфлаш ҳамда амалиётга жорий этиш мазкур вазифаларни амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 12 апрелдаги ««Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2884-сон, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон Қарори, 2019 йил 3 апрелдаги “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг

инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-4265-сон қарори, 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини тامينлашга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ферроценнинг бензол халқаси тутган ҳосилаларини синтез қилиш ва хоссаларини ўрганиш борасида россиялик олимлар А.Н.Несмеянов, Н.С.Кочеткова, Н.А.Несмеянов, В.Д.Вильчевская, Э.Г.Перевалова, Л.В.Снегур, АҚШлик олимлар Ж.Теббот, Р.Вудворд, Ж.Тремайн, В.Посдорф, Япониялик олимлар М.Кумада, С.Ямада, А.Накахира, покистонлик олимлар Zaib un Nisa, Asghari Gul, Zareen Akhter, Muhammad Arif Nadeem, M. Nawaz Tahirc, Moiz Uddin Ahmed, шу жумладан ўзбек олимлари А.Ғ.Маҳсумов, И.Р.Асқаров, А.М.Жўраев, Ш.М.Қирғизов, М.М.Хожиматов, О.Ш.Абдуллоев ва бошқалар чуқур изланишлар олиб борганлар ва юқори натижаларга эришганлар.

Шу кунгача юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан ферроценнинг оксифенил (ферроценилфеноллар) ва карбоксифенил (ферроценилбензой кислоталар) ўринбосари тутган бирикмалари олиниб, уларнинг тузилиши ва хоссалари чуқур ўрганилган бўлсада, ферроценнинг ҳам оксифенил ҳам карбоксифенил ўринбосарлари тутган бирикмалари ҳамда уларнинг ҳосилалари олинмаган ва ўрганилмаган.

Мазкур диссертация иши ферроценни аминофеноллар ва аминобензой кислоталар билан диазотирлаб, таркибида ҳам оксифенил ҳам карбоксифенил ўринбосарлари тутган ферроцен асосидаги янги металлорганик бирикмалар ҳамда уларнинг ишқорий метали тузларини синтез қилиш, реакция механизми ва олинган моддаларни таркиби, тузилиши, биологик фаоллигини таҳлил қилиш ва кимёвий таркиби асосида синфлаш, уларга ТИФ ТН коидаларига асосан тегишлича янги товар кодлари ажратиш ва тавсия этилган товар кодларини амалиётга жорий этиш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ферроцен ва унинг ҳосилалари асосида синтез қилинган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ферроценбензой кислоталар асосида таркибида окси- ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган ферроценнинг янги биологик фаол ҳосилаларини синтез қилиш, ҳамда уларни кимёвий таркиби асосида синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диазотирлаш усулидан фойдаланиб ферроценнинг таркибида ҳам оксифенил, ҳам карбоксифенил ўринбосарлари тутган янги ҳосилаларини ва уларнинг биологик фаол ишқорий металл тузларини синтез қилиш;

синтез шароитларини оптималлаштириш мақсадида реакция механизмини квант-кимёвий ҳисоблаш воситасида тадқиқ этиш;

олинган моддаларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини хроматография, потенциометрик титрлаш, атом абсорбцион спектрофотометрия, масс-спектрометрия, инфра-қизил спектроскопия методларидан фойдаланиб аниқлаш;

олинган ферроцен асосидаги янги моддаларнинг биологик фаоллигини лаборатория ва дала шароитида қишлоқ хўжалиги экинларида синаш орқали биостимуляторлик хоссаси юқори бўлган моддаларни аниқлаш ва амалиётга тадбиқ этишга тавсиялар ишлаб чиқиш;

ферроцен асосида олинган моддаларни таркибидаги ўринбосарларнинг турига кўра синфлаш ва уларга ТИФ ТН бўйича тегишли товар кодлари ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ферроценнинг ҳам оксифенил ҳам карбоксифенил ўринбосарлари тутган диалмашинган ҳосилалари ва уларнинг ишқорий металл тузлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ферроценни *n*-аминофенол ҳамда *n*- ва *m*-аминобензой кислоталар билан диазотирлаб аралаш ўринбосарли янги ҳосилаларини ва уларнинг ишқорий металл тузларини синтез қилиш, реакция механизмини ўрганиш, олинган моддаларнинг таркиби, тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш, уларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур диссертация ишида кимёвий анализ, юпқа қатламли ва устунли хроматография, потенциометрик титрлаш, атом-абсорбцион спектрофотометрия, масс-спектрометрия, ИҚ спектроскопия, моддаларнинг структураларини ва хоссаларини квант-кимёвий ҳисоблаш, товарларни ТИФ ТН бўйича синфлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ферроценни *n*- ва *m*-аминобензой кислоталар ҳамда, *n*-аминофенол билан диазотирлаш реакцияси бўйича таркибида ҳам оксифенил, ҳам карбоксифенил ўринбосарлари тутган диалмашинган гетероаннуляр тузилишли янги ферроцен ҳосилалари синтез қилинган;

ўтказилган диазотирлаш реакцияларининг механизми квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида тадқиқ этилиб, бирикмаларни синтез қилишнинг мақбул йўналиши ва шароити тақлиф этилди;

олинган моддаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари квант-кимёвий ҳисоблаш, юпқа қатламли ҳамда устунли хроматография, потенциометрик титрлаш, атом-абсорбцион спектрофотометрия, масс-спектрометрия, ИҚ спектроскопия методларида аниқланган;

олинган моддаларнинг тузилиши аралаш ўринбосарли диалмашинган

гетероаннулар тузилишга эга эканлиги исботланган;

синтез қилинган моддаларнинг сувда эрувчан ишқорий металл тузларини олиш усули такомиллаштирилган;

олинган янги моддаларнинг ишқорий металл тузлари чигитнинг униб чиқишига ва ғўзанинг комплекс ривожланишига ижобий таъсир этиб, пахта ҳосилдорлигини ошириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ферроценнинг окси- ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган янги бирикмалари асосида «Фербенол-ППК» ва «Фербенол-МПК» биостимуляторлари яратилган;

таркибида икки ва ундан ортиқ ароматик ва ноароматик ўринбосарлар тутувчи ферроцен асосидаги биостимулятор хоссасига эга бўлган моддаларни кимёвий таркиби асосида синфлаб, ҳар бир синфга ТИФ ТН қоидаларига биноан товар кодлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган моддаларнинг тозалилик даражаси текширишда хроматографик методлардан фойдаланилганлиги, уларнинг таркиби ва тузилишини аниқлаш мақсадида олиб борилган потенциометрик титрлаш, атом-абсорбцион спектрофотометрик, масс-спектрометрик ва ИҚ-спектроскопик анализ натижалари замонавий асбоб-ускуналарини қўллаган ҳолда ўлчанганлиги, экспериментал йўл билан олинган натижаларнинг замонавий квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида олинган натижаларга етарли даражада мослиги, тадқиқот натижаларининг математик қайта ишланиб, тасодифий четланишларнинг баҳоланганлиги, янги олинган моддаларнинг биостимуляторлик хоссага эга эканлиги етакчи илмий-тадқиқот институтлари томонидан тасдиқланганлиги, натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги, амалий натижаларни тегишли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ферроценни окси- ва карбоксифенил ўринбосарларига диалмашинган янги ҳосилалари ва уларнинг ишқорий металл тузларини синтез қилиш ва ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилганлиги, олинган барча янги моддаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари назарий жиҳатдан замонавий квант-кимёвий ҳисоблаш методлари ва амалий жиҳатдан хроматография, потенциометрик титрлаш, атом-абсорбцион спектрофотометрия, масс-спектрометрия, ИҚ спектроскопия методлари ёрдамида тадқиқ этиш билан изоҳланади.

Ферроцен асосида синтез қилинган янги моддаларнинг ғўза ўсимлигига биостимуляторлик таъсири мавжуд эканлиги, уларни таркибидаги ўринбосарлар турига кўра кимёвий таркиби бўйича синфлаб, ТИФ ТН қоидаларига мувофиқ товар кодлари белгиланиши, шу билан бирга мазкур биостимуляторларни амалиётга жорий этилганда, мамлакатимиз иқтисодиётига сезиларли даражада самарадорлик келтириши тадқиқот

ишининг амалий аҳамиятлари ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида окси- ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган ферроценнинг биологик фаол ҳосилаларини синтез қилиш, ҳамда уларни кимёвий таркибига кўра синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ноароматик ўринбосарлар тутган ҳосилалари учун 2942000005, ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ароматик ўринбосарлар тутган ҳосилалари учун 2942000006 товар кодлари Давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2020 йил 8 августдаги №146-282 сон маълумотномаси). Натижада ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ўринбосарли ҳосилаларини синфлаш имконини берган;

таркибида окси- ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган бирикмалари асосида олинган Фербек-ППД биостимулятори Андижон ва Фарғона вилояти фермер хўжаликлари ҳамда Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Фарғона илмий тажриба станциясининг жами 30 гектардан ортиқ ғўза майдонларига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 17 ноябрдаги №05/032-3838 сонли маълумотномаси). Натижада МАКСИТ-1 биостимуляторига нисбатан гектаридан кўшимча 2,5-3,3 центнер ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 2 та илмий мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 31 та жадвал, 26 та расм ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми – 109 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацион иш мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация асосий қисмининг биринчи боби «Ферроценнинг биологик фаол ҳосилаларини олиш ва кимёвий таркиби асосида синфлаш муаммолари» деб номланган. Мазкур бобда ферроценилбензой кислоталар ва ферроценилфеноллар ҳамда уларнинг айрим биологик фаол ҳосилаларини олиш, шунингдек, уларни кимёвий таркиби асосида ТИФТН қоидалари бўйича синфлаш борасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган. Янги, биостимуляторлик фаоллиги юқори бўлган ферроцен ҳосилаларини синтез қилиш, уларни синфлаш борасида тадқиқот ишларини олиб бориш зарурати борлиги асосланган.

Диссертациянинг «Ферроценнинг окси- ва карбоксифенил тутган ҳосилаларининг олиниши ҳамда хоссалари» деб номланган иккинчи бобида таркибида ҳам карбоксифенил ҳам оксифенил ўринбосарлари тутган айрим диалмашинган гетероаннуляр тузилишли ферроцен ҳосилалари, уларнинг ишқорий метали тузларини синтез қилиш ва ажратиб олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг кимёвий таркибини, хоссаларини, тузилишини, биостимуляторлик фаоллигини ўрганиб, ТИФ ТН қоидаларига асосида синфлаш бўйича олинган натижалар келтирилган ва муҳокама қилинган.


m- (I) ва *p*-ферроценбензой кислота (II) ларни олиш ва таркибини аниқлаш. Ферроцени аминобензой кислота билан диазотирлаш натижасида моно- ва оз микдорда диалмашинган маҳсулотлар аралашмаси ҳосил бўлди:



1-расм. Ферроценилбензой кислоталарни олиш реакцияси механизми.


Олинган ферроценилбензой кислоталарнинг кимёвий таркиби, тузилишини аниқлаш мақсадида масс-спектрометрик, потенциометрик, ИҚ спектроскопик ва квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари ва уларнинг таҳлили амалга оширилди.

Ферроценилбензой кислоталарнинг тузилишини масс-спектрометрик усулда таҳлил қилиш. Маҳсулотларнинг масс-спектрометрик таҳлили Perkin Elmer TOF MS DSA масс-спектрометрида азот молекуляр ионлари ёрдамида ионлантирилиб амалга оширилди. Таҳлил натижасида *m*-ферроценилбензой кислотанинг (I) масс-спектридаги асосий чўққилар унинг молекуляр ионларига ва ундан протон, гидроксил, карбоксил, гидроксифенил каби гуруҳларнинг ажралишидан ҳосил бўлган фрагментларга тегишли экани аниқланди. I нинг фрагментланиш схемаси қуйидагича таклиф этилди :



2-расм. *m*-ферроценилбензой кислота(I)нинг фрагментланиш схемаси.

n-ферроценилбензой кислота(II)нинг тузилиши ҳам масс-спектроскопик таҳлил қилинди. Натижалар спектрдаги энг юқори чўққилар ферроценнинг карбоксифенил ўринбосарини бириктиришидан ҳосил бўлган молекуляр ионга тегишли эканини кўрсатди. Молекуланинг фрагментланиш схемасини қуйидагича ифодалаш мумкин:



3 -расм. *n*-ферроценилбензой кислота(II)нинг фрагментланиш схемаси.

Ферроценилбензой кислоталарнинг эквивалент массасини потенциометрик усулда аниқлаш. Тажриба Mettler Toledo Easy pH автоматик титратори ёрдамида амалга оширилди. Ферроценилбензой кислоталарнинг аниқ тортимлари метил спиртда эритилди, ҳамда литий, натрий ва калий гидроксидларининг метанолдаги 0,2 Н ли эритмаси билан титрланди. Олинган натижалардан *m*- ва *n*-ферроценилбензой кислоталарнинг титрлаш асосида аинқланган эквивалент массалари назарий ҳисобланган қийматларга мос эканлиги маълум бўлди (нисбий хатолик 0,5%). Бу эса олинган моддалар тозалигидан далолат беради.

1-жадвал

m- ва *n*-ферроценилбензой кислоталарни титрлаш натижалари


Модда	Эквивалент масса, г/экв				Эквивалент нукта, pH
	Аниқланган			ҳисобланган	
	LiOH	NaOH	KOH		
I	305,64	305,28	306,09	306,112	9,7
II	305,74	305,31	306,01	306,112	9,6

Ферроценилбензой кислоталарнинг тузилишини ИҚ спектроскопия методи ёрдамида таҳлил қилиш. Синтез қилинган m- ва n-ферроценилбензой

кислоталарнинг ИҚ спектрлари Agilent technology Cary 630 ИҚ русумли спектрометрда аниқланди. Шунингдек, мазкур моддалар молекуляр структураларининг тебраниш спектрлари Gaussian 98 дастурида DFT/B3LYP методи 3-21G базисида оптималлаштирилган ҳолда ҳисобланди. Моддалар (I ва II)нинг аниқланган ва ҳисобланган тебраниш спектрлари қиёсий таҳлил қилинди.

I ва II моддаларнинг ИҚ-спектридаги 749 см^{-1} , 751 см^{-1} соҳалардаги интенсивлиги юқори ва 994 см^{-1} даги паст чўққилар бензол халқасига хос. Шунингдек, текисликдан ташқари елпиғичсимон (ρ_{CH}), 1460 см^{-1} , 1533 см^{-1} даги кучсиз интенсивликка эга чўққилар халқа текислиги бўйлаб елпиғичсимон (β_{CH}), 1605 см^{-1} даги интенсивлиги кучли чўққи халқадаги углеродларнинг валент (ν_{CC}) тебранишларига мос келади. Циклопентадиенил халқасининг ρ_{CH} тебраниши кучсиз интенсивликка эга бўлиб 800 см^{-1} , 820 см^{-1} соҳада намоён бўлади. Углерод атомларининг валент тебраниши (ν_{CC}) алмашинган ва алмашинмаган халқаларда ўртача интенсивликка эга бўлиб, мос равишда 1104 см^{-1} , 1125 см^{-1} соҳада жойлашган. O–H гуруҳ валент тебранишининг ҳисобланган 3522 см^{-1} қийматдан фарқ қилиб, чўққиси 3385 см^{-1} да жойлашган $3300\text{--}3600\text{ см}^{-1}$ соҳадаги кенг ютилиш чизиғи ҳосил қилишини кучли молекулалараро водород боғланиш мавжудлиги билан тушинтириш мумкин. Натижалар синтез қилинган I ва II моддалар *m*- ва *n*-ферроценилбензой кислоталарнинг молекуляр структураларига тўла мос эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Айрим ферроценилфеноллар синтези, ҳамда маҳсулотларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш. *n*-ферроценилфенол ферроценнинг *n*-аминофенол билан диазотирлаш реакцияси асосида синтез қилинади. *n*-Аминофенолни натрий нитрит ва хлорид кислота аралашмаси билан диазотирлаб, ҳосил бўлган *n*-диазонийфенолга ферроценнинг диэтил эфирдаги эритмаси кўшилди. Реакция натижасида 36,2 % умум билан моноалмашинган (III), 2,4 % диалмашинган (III') маҳсулотлар аралашмаси ҳосил бўлди.



4-расм. *n*-ферроценилфенол олиш реакцияси схемаси.

Ҳосил бўлган маҳсулотлар аралашмасига аввал ишқор эритмаси билан ишлов берилди ва олинган сувли эритма таркибидаги эриган моддалар колонкали хроматография усулида ажратилди, қуритилди ва хлороформда қайта кристалланди, тўқ сариқ рангли модда ҳосил бўлди. Ҳосил бўлган моддаларнинг эквивалент массаси потенциометрик титрлаш методи ёрдамида аниқланди.

III ва III` нинг потенциометрик титрлаш натижалари


Модда	Эквивалент масса, г/экв				Эквивалент нукта, рН
	Аниқланган			ҳисобланган	
	LiOH	NaOH	KOH		
III	277,65	277,87	278,05	278,113	11,2
III`	138,75	138,88	139,02	139,102	5,6; 10,8


Ферроценни окси- ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган ҳосилаларини олиш ва тузилишини ўрганиш. Окси ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган аралаш ўринбосарли гетероаннуляр тузилишли ферроцен ҳосилаларини ферроценни *m*- ёки *n*-аминобензой кислота ва *n*-аминофенол билан босқичли диазотирлаб олинди. Мазкур реакцияларнинг механизми, ҳосил бўлиши мумкин бўлган фақат диалмашинган аралаш ўринбосарли ҳосилаларнинг тузилиши, маҳсулотни юқори унум билан олишнинг мақбул йўналиши квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида ўрганилди.

Адабиётларда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, ферроценни *m*- ёки *n*-аминобензой кислота ва *n*-аминофенол билан босқичли диазотирлаш реакцияси натижасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган диалмашинган маҳсулотларнинг изомерлари структуралари тузилиб, уларнинг тузилиши юқорида тавсифланган квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида оптималлаштирилди ва Ҳартри энергиялари аниқланди.

Ферроценнинг *m*-аминобензой кислота ва *n*-аминофенол билан диазотирлаш реакциясининг *TS* ўтиш ҳолатини Берни методидан фойдаланиб ўрганишда бошланғич моддалардан IV моддалар ҳосил бўлишининг асосий иккита йўналиши реакция схемаси тузиб олинди. Гетеро-диалмашинган ҳосила олишнинг биринчи йўналиши (1) – ферроценни аввал *m*-аминобензой кислота билан, сўнг *n*-аминофенол билан диазотирлаб маҳсулотни (IV) олиш (5-расм). Иккинчи йўналиш (2) эса, айнан шу маҳсулотни ферроценни аввал *n*-аминофенол билан, сўнг *m*-аминобензой кислота билан диазотирлаб олишдир (6-расм). Дастлаб, биринчи (1) йўналиш бўйича борувчи реакциялар мос равишда *A* ва *B* реакцияларга бўлинди. Ҳар бир реакцияда қатнашувчи моддалардан мос равишда *a, b, c, d, e* ва *f, g, h, i, j* системалар тузилди.

Сўнгра, ҳар бир системадаги молекулаларнинг Ҳартри энергиялари юқорида келтирилган квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида аниқланди. Система энергиясини ундаги молекулаларнинг Ҳартри энергиялари йиғиндиси ташкил этди.







5-расм. Ферроцен ва м-аминобензой кислота орасидаги диазотирлаш (A) реакцияси схемаси.


IV ни олиш учун иккинчи (2) йўналиш бўйича борувчи реакцияларнинг ҳам ўтиш ҳолатлари юқоридагидек ўрганилди. Бунда, иккинчи (2) йўналиш бўйича борувчи реакциялар мос равишда C ва D реакцияларга бўлинди ва ҳар бир реакцияда қатнашувчи моддалардан мос равишда *k, l, m, n, o* ва *p, q, r, c, t* системалар тузилди (7- ва 8-расмлар).

Ўтказилган тадқиқот натижалари ферроценни *m*-аминобензой кислота ва *n*-аминофенол билан диазотирлаш реакцияси асосий маҳсулотининг тузилиши, энергетик жиҳатдан 1-(3-карбоксифенил)-1'-(4-оксифенил)ферроценнинг молекуляр структурасига тўла мос эканлигини кўрсатди. Биринчи йўналиш бўйича борувчи, яъни ферроценни аввал *m*-аминобензой кислота (A), сўнг *n*-аминофенол билан диазотирлаш (B) реакциялари умумий фаолланиш энергияси қиймати ($E_{a(AB)}=4,294$ кЖ/моль), иккинчи йўналишниқига ($E_{a(CD)}=4,323$ кЖ/моль) нисбатан сезиларли даражада ($\Delta E_a=29$ Ж/моль) паст эканлиги аниқланди. Мазкур натижа, реакция биринчи йўналиш бўйича олиб борилганда, иккинчи йўналишдагига нисбатан 1-(3-карбоксифенил)-1'-(4-оксифенил)ферроценнинг унуми юқори бўлишини назарий жиҳатдан асослайди. Шунингдек, ҳар иккала йўналиш бўйича борувчи реакциялар энтальпиялари ҳисобланганда, улар бир хил қийматга эга эканлиги кўринди ва реакцияларнинг умумий ҳолатда Гесс қонунига бўйсунуши тасдиқланди. Бу эса, ўтказилган квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари тўғри эканлигига асос бўла олади деб хулоса қилиш мумкин.







6-расм. *m*-ферроценилбензой кислоты ва *n*-аминофенол орасидаги диазотирлаш (B) реакцияси схемаси.



7-расм. Ферроцен ва *n*-аминофенол орасидаги диазотирлаш (C) реакцияси схемаси.






8-расм. *n*-ферроценилфенол ва *m*-аминобензой кислота орасидаги диазотирлаш (D) реакцияси схемаси.


IV ва *V* нинг молекуляр тузилишини ИК-спектроскопик метод ёрдамида ўрганиш. Олинган янги моддаларнинг молекуляр тузилишини ўрганиш мақсадида унинг квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида олиган тебраниш спектрлари ва “Agilent technology Cary 630 ИК” русумли спектрометрда аниқланган ИҚ спекторлари қиёсий таққосланди.

Олинган натижалардан *IV* ва *V* нинг ҳисобланган тебраниш спектридаги ютилиш соҳалари экспериментда аниқланган ютилиш соҳаларига жуда яқин эканлигини кўриш мумкин. Айниқса, -ОН ва -COOH гуруҳ тутган бензол ҳалқаларидаги услерод атомларига ҳос бўлган деформацион тебранишларнинг ($\delta_{s(\text{CCC})_{\text{ArOH}}}$: ҳисобланган 673 см^{-1} , аниқланган 625 см^{-1} . $\tau_{(\text{CCC})_{\text{ArCOOH}}}$: ҳисобланган 689 см^{-1} , аниқланган 652 см^{-1}) ҳисобланган натижаларга мос эканлиги *IV* ва *V* таркибида иккита бензол ҳалқаси борлиги ва алмашинмаган циклопентадиенил ҳалқасига ҳос бўлган ютилиш соҳаларининг йўқлиги моддаларнинг диалмашинган ферроцен ҳосиласи эканлигидан далолат беради. Шунингдек, карбоксил гуруҳнинг деформацион тебранишларига ҳос бўлган ютилиш соҳаларининг мавжулиги молекула карбоксил гуруҳ борлигини англатади. Гидроксил гуруҳнинг валент тебранишига ҳос бўлган кенг ютилиш соҳасининг мавжудлиги молекуладаги карбоксил гуруҳ ва иккинчи бензол ҳалқасидаги гидроксил гуруҳлар ўртасида ичкимолекуляр водород боғланиш борлигидан далолат беради. Бу эса моддаларнинг диалмашинган 1,1`-гетероаннуляр тузилишли эканлигига асос бўлади.

IV ва *V* нинг молекуляр тузилишини масс-спектроскопик метод ёрдамида ўрганиш. Олинган моддаларнинг молекуляр тузилишини ўрганиш мақсадида масс-спектроскопик таҳлил қилинди. Натижалар спектридаги энг юқори чўққилар асосий маҳсулот молекуляр ионга тегишли эканини кўрсатди. Молекулаларнинг фрагментланиш схемасини қуйидагича ифодалаш мумкин:




9-расм. 1-(3-карбоксивенил)-1'-(4-оксивенил)ферроценнинг фрагментланиш схемаси.



10-расм. 1-(4-карбоксивенил)-1'-(4-оксивенил)ферроценнинг фрагментланиш схемаси.

IV ва V ни олиш реакциялари диэтилэфир ва хлороформ муҳитида алоҳида-алоҳида амалга оширилганда хлороформ муҳитида маҳсулотлар унуми диэтил эфирдагига нисбатан 7-8% га юқори бўлишлиги маълум бўлди. Реакция маҳсулотлари унумининг хлороформ муҳитида нисбатан юқори эканлигини назарий жиҳатдан ўрганиш мақсадида юқоридаги метод ёрдамида квант-кимёвий ҳисоблашлар амалга оширилди. Олинган натижалар асосида *n*- ёки *m*-ферроценилбензой кислота ва *n*-аминофенол орасидаги диазотирлаш реакцияларининг энергетик ўзгаришлардан фойдаланиб TS ўтиш ҳолати диаграммалари тузилди (11-расм).

m- ёки *n*-ферроценилбензой кислота ва *n*-аминофенол орасидаги диазотирлаш реакцияларининг хлороформ муҳитидаги фаолланиш энергиялари қиймати ($E_{a(x.форм)}$ ва $E'_{a(x.форм)}$), диэтил эфир муҳитидаги фаолланиш энергиялари ($E_{a(эфир)}$ ва $E'_{a(эфир)}$) қийматидан мос равишда 50,6 Ж/моль ва 56 Ж/мольга кичиклиги кўринди. Бу ҳолат амалдаги синтез реакциялари хлороформ муҳитида ўтказилганда маҳсулотлар унумининг диэтил эфирдагига нисбатан 7-8% га юқори бўлишлигини назарий жиҳатдан тушинтирди.



11-расм. *m*- ва *p*-ферроценилбензой кислоталар ва *p*-аминофенол орасидаги диазотирлаш реакцияларининг TS ўтиш ҳолати диаграммаси. Бу ерда, *x* – реакциянинг хлороформ муҳитидаги ўтиш ҳолати; *y* – реакциянинг диэтилэфир муҳитидаги ўтиш ҳолати; $E_{a(эфир)}=2,689\text{кЖ/моль}$; $E_{a(х.форм)}=2,648\text{кЖ/моль}$; $\Delta E_a=50,6\text{Ж}$; $\Delta H=-1,055\text{кЖ/моль}$; $E'_{a(эфир)}=2,493\text{кЖ/моль}$; $E'_{a(х.форм)}=2,437\text{кЖ/моль}$; $\Delta E'_a=56\text{Ж}$; $\Delta H'=-1,06\text{кЖ/моль}$.

Синтез қилинган ҳосилаларнинг биостимуляторлик хоссасини ўрганиш. Синтез қилинган 1-(3-карбоксифенил)-1'-(4-оксифенил) ферроценнинг калийли тузи $\text{C}_5\text{H}_4(m\text{-C}_6\text{H}_4\text{COOK})\text{FeC}_5\text{H}_4(n\text{-C}_6\text{H}_4\text{OK})$ “Фербенол-МПК”, 1-(4-карбоксифенил)-1'-(4-оксифенил)ферроценнинг калийли $\text{C}_5\text{H}_4(n\text{-C}_6\text{H}_4\text{COOK})\text{FeC}_5\text{H}_4(n\text{-C}_6\text{H}_4\text{OK})$ “Фербенол-ППК” ва натрийли $\text{C}_5\text{H}_4(n\text{-C}_6\text{H}_4\text{COONa})\text{FeC}_5\text{H}_4(n\text{-C}_6\text{H}_4\text{ONa})$ “Фербенол-ППН” тузларининг 0,1; 0,01 ва 0,001 % ли сувдаги эритмаларининг чигитнинг унишига таъсири лаборатория шароитида ўрганилди. Эталон сифатида МАКСИТ-1 препарати танлаб олинди. Тажриба натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, барча синалаётган моддалар эталонга нисбатан ғўза чигитининг унишига юқори биостимуляторлик таъсирга эга. Айниқса, Фербенол-ППК ва Фербенол-ППН моддаларнинг биостимуляторлик хоссаси бошқаларга нисбатан устунлиги яққол намоён бўлди.

Фербенол-МПК, Фербенол-ППК ва Фербенол-ППН препаратларининг биостимуляторлик хусусияти 2018 ва 2020 йилларда *дала шароитида* ПСУЕАИТИ Фарғона илмий тажриба станцияси майдонларида, Фарғона вилояти Кува тумани, Андижон вилояти Жалақудук туманидаги фермер хўжаликлари дала майдонларида пахта ғўзаси тупининг ўсиши ва комплекс ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигини ортишига таъсири ўрганилди. Барча синалган препаратлар назорат ва эталон (МАКСИТ-1) га нисбатан юқори биостимуляторлик хоссасини намоён этиши аниқланди.

Ҳосилдорликга таъсири борасида Фербенол-МПК ва Фербенол-ППН препаратлари яқин кўрсаткичларни (мос равишда 40,2-41,2 ва 39,9-40,3 ц/га) намоён этди. Фербенол-ППК биостимулятори энг юқори кўрсаткич, яъни 41,5-42,7 ц/га ни кўрсатиб амалда қўлланилиб келинаётган МАКСИТ-1 га нисбатан 2,5-3,2 ц/га га юқори эканлиги исботланди.

Ферроценнинг биостимуляторлик хоссасига эга бўлган айрим диалмашинган ҳосилаларини синфлаш. ТИФТН бўйича таснифлашнинг асосий 1-, 2.а-, 3.а- ва 3.б- қоидаларига мувофиқ, олинган янги бирикмалар ҳам-ашё бўла оладиган кимёвий бирикмалар сифатида синфланиб, уларга куйидаги товар код рақамлари таклиф этилди:

1. Ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ноароматик ўринбосарлар тутган ҳосилалари учун – 2942000005.

2. Ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ароматик ўринбосарлар тутган ҳосилалари учун – 2942000006 код рақамлари тавсия этилди.

3-жадвал.

ТИФ ТН да амал қилаётган ва ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ноароматик ва ароматик халқа тутган бирикмалари учун таклиф этилган код рақамлари

Амалдаги		Таклиф этилган	
2942 00 000 0	Бошқа органик бирикмалар:	2942 00 000 0	Бошқа органик бирикмалар:
2942 00 000 1	— — — ферроцен ва унинг ҳосилалари;	2942 00 000 5	— — — ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ноароматик ўринбосарлар тутган ҳосилалари
2942 00 000 2	— — — азот тутувчи ферроцен ҳосилалари;	2942 00 000 6	— — — ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ароматик ўринбосарлар тутган ҳосилалари
2942 00 000 3	— — — ферроценнинг гетероциклик ҳосилалари;	2942 00 000 9	— — — бошқалар;
2942 00 000 4	— — — ферроценнинг ароматик халқа тутган карбон кислоталари, уларнинг тузлари, комплекс бирикмалари ва бошқа ҳосилалари;		
2942 00 000 9	— — — — — бошқалар;		

Учинчи боб - «Ферроценнинг айрим окси- ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган ҳосилаларини олиш методлари» да *n*- ва *m*-ферроценилбензой кислоталар, *n*-ферроценилфенол, уларнинг ҳосилалари ва айрим ишқорий металл тузларини синтез қилиш методикалари, ҳосил бўлган моддаларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини кимёвий анализ, потенциометрик титрлаш, масс-спектрометрия, ИК- спектроскопия атом-абсорбцион спектрофотометрия методлари ёрдамида аниқлаш методикалари келтирилган. Олинган моддаларнинг ғўза чигитининг униш энергиясига ва унувчанлигига таъсирини лаборатория ва дала шароитида ўрганиш методикалари баён этилган.

ХУЛОСАЛАР

«*n*- ва *m*-ферроценилбензой кислоталарнинг айрим диалмашинган ҳосилаларини ўрганиш ва синфлаш» мавзусидаги диссертация иши бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар келтирилди:

1. Ферроценилбензой кислоталарнинг диалмашинган ҳосилаларига доир адабиётлар ўрганилиши натижаси таркибида ҳам оксифенил ҳам

карбоксифенил ароматик ўринбосарлари тутган, аралаш диалмашинган гетероаннуляр тузилишли ферроцен ҳосилалари синтез қилинмаганлиги билан изоҳланади.

2. Эритувчини самарали, арзон ва экологик тоза эритувчига алмаштириш билан такомиллаштирилган диазотирлаш реакцияси методидан фойдаланиб, таркибида ҳам оксифенил ҳам карбоксифенил ароматик ўринбосарлари тутган, аралаш диалмашинган гетероаннуляр тузилишли 2 та янги ферроцен ҳосилалари синтез қилинди.

3. Таркибида окси- ва карбоксифенил ўринбосарлари тутган янги ферроцен ҳосилаларини синтез қилиш реакцияси механизми квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида тадқиқ этилиб, маҳсулотлар олишнинг мақбул йўналиши ва шароитлари тавсия этилди.

4. Янги аралаш диалмашинган ферроцен ҳосилаларининг сувда эрувчан 6 та ишқорий металл тузлари потенциометрик титрлашга асосланган такомиллаштирилган усулда олинди.

5. Ферроцен асосида олинган жами 11 та моддаларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари хроматография, элемент анализ, атом-абсорбцион спектрофотометрия, потенциометрик титрлаш, масс-спектрометрия, ИҚ спектроскопия методлари билан тадқиқ этилди. Натижалар янги олинган 8 та бирикма 1,1'-диалмашинган гетероаннуляр тузилишга эга эканлиги билан изоҳланади.

6. Олинган моддаларнинг пахта чигитини униш энергиясига ва унувчанлигига биостимуляторлик таъсири лаборатория шароитида ўрганилди. Тадқиқ этилган бирикмалар орасида “Фербенол-ППК” препаратининг биостимуляторлик хоссаси энг юқори эканлиги юзага келади.

7. Жами 90 гектардан ортиқ дала тажриба синов майдонларида янги моддаларнинг биостимуляторлик хоссаси ва иқтисодий самарадорлиги синовдан ўтказилди. Синов натижасида “Фербенол-ППК” стимуляторлик фаоллиги юқори бўлган МАКСИТ-1 препаратига нисбатан ғўзанинг етилишини тезлаштириб, пахта ҳосилдорлигини гектардан 2,5-3,2 центнергача ошириши исботланди ҳамда ўртача 200 миллион сўмдан ортиқ кўшимча даромад олинди.

8. Синтез қилинган янги бирикмалар кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН қоидаларига биноан синфланиб, ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ноароматик ўринбосарлар тутган ҳосилалари учун 2942000005, ферроценнинг икки ва ундан ортиқ ароматик ўринбосарлар тутган ҳосилалари учун 2942000006 товар кодлари тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МУМИНЖОНОВ МИРЖАЛОЛ МУКИМЖОН УГЛИ

**ИССЛЕДОВАНИЕ И КЛАССИФИКАЦИЯ НЕКОТОРЫХ
ДИЗАМЕЩЁННЫХ ПРОИЗВОДНЫХ *n*- И *m*-
ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙНЫХ КИСЛОТ**

02.00.09 – Химия товаров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/К320

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Аскарв Иброхим Рахмонович**
заслуженный изобретатель Узбекистана, доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каримкулов Курбонкул Мавлонкулович**
доктор технических наук, профессор

Исаков Мухаммаджон Юнусович
кандидат химических наук, доцент


Ведущая организация: **Наманганский государственный университет**


Защита диссертации состоится “29” XII 2020 года в 14⁰⁰ часов. на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.К.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № ____). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: “16” XII 2020 года.
(№ реестра протокола рассылки ____ от “_____” 2020 года.)




В.У.Хужаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор


М.Нишонов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.тех.н., профессор


Ш.В.Абдуллаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
профессор, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с бурным ростом численности населения мира, в настоящее время, удовлетворение спроса человечества на сельскохозяйственную продукцию является одной из глобальных проблем. Это требует создания и применения в сельском хозяйстве новых безвредных для здоровья и экологически чистых химических соединений, ускоряющих комплексное развитие растений и повышающих урожайность. Поэтому синтез и внедрение к применению ферроценсодержащих биостимуляторов, имеет важное значение

В результате проведенных, исследований ученых мира до настоящее время были синтезированы и внедрены в практику множество биостимуляторов на основе ферроцена. Это требует создания экологически чистых, экономичных и безвредных биостимуляторов с более высокой физиологической активностью, по сравнению с известными препаратами. Для этого целесообразно синтезировать ферроценовые соединения, содержащие ароматические бензольные кольца, усиливающие каталитический эффект, изучать их биологическую активность, а также изучать их химический состав и структуру. В частности, большое научное и практическое значение имеют синтез, изучение, классификация и сертификация новых соединений ферроцена, содержащих ароматические заместители оксифенила и карбоксифенила.

В Республике проводятся целенаправленные реформы по внедрению новых инновационных технологий в синтезе биостимуляторов, используемых при выращивании сельхозпродукции. В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы «3.3. Модернизация и развитие сельского хозяйства: углубление структурных изменений и последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора» предусмотрен ряд задач, выполнение которых имеет важное значение. Поэтому синтез новых биологически активных веществ, содержащих окси- и карбоксифенильные заместители, на основе реакций диазотирования ферроценилбензойных кислот аминокислотами, изучение, классификация и реализация их свойств важны при реализации этих задач.

Данное исследование в определенной степени служит обеспечению выполнения задач, предусмотренных на Указе Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 12 апреля 2017 года «О мерах по совершенствованию структуры управления АО «Узкимёсаноат». Постановление Правительства Республики Узбекистан № PQ-2884 от 25 октября 2018 г. «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан», № ПП-3983 от 3 апреля 2019 г. «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и

повышению ее инвестиционной привлекательности» Постановление № PQ-4265 от 29 октября 2019 года, Законом «О науке и научной деятельности» и другими нормативными актами.

Соответствие исследования с приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетному направлению развития науки и технологий Республики Узбекистан: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. По синтезу и изучении свойств производных ферроцена, содержащих бензольные кольца, проводили глубокие исследования российские ученые А. Н. Несмеянов, Н. С. Кочеткова, Н. А. Несмеянов, В. Д. Вильчевская, Е. Г. Перевалова, Л. В. Снегур, американские ученые Дж. Теббот, Р. Вудвард, Дж. Тремейн, В. Посдорф, японские ученые М. Кумада, С. Ямада, А. Накахира, пакистанские ученые Заиб ун Ниса, Асгари Гул, Зарин Ахтер, Мухаммад Ариф Надим, М. Наваз Тахирц, Моиз Уддин Ахмед, в том числе в Узбекистане А.Г. Махсумов, И.Р. Аскарлов, А.М. Джураев, Ш.М. Киргизов, М.М. Ходжиматов, О.Ш. Абдуллоев и другие добились высоким результатам.

На сегодняшний день со стороны выше названных ученых синтезированы и исследованы структуры и свойства различных производных ферроцена. Однако, не были синтезированы и изучены ферроценовые соединения содержащие, одновременно, оксифенильные и карбоксифенильные заместители, и их производные

Диссертация направлена на решению таких проблем, как синтез ферроценсодержащих новых металлоорганических соединений путем диазотирования ферроцена с аминофенолами и аминобензойными кислотами и их солей с щелочными металлами, анализ механизма этих реакций, изучение состава, структуры и биологической активности полученных соединений, установление им товарных кодов в соответствии с правилами ТН ВЕД и внедрение в практику предложенных кодов.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательского направления “Биологически активные вещества, синтезированные на основе ферроцена и его производных, их классификация на основе химического состава” Андижанского государственного университета.

Целью исследования является синтез новых производных ферроцена, содержащих как оксифенильные, так и карбоксифенильные заместители и их биологически активных солей с щелочными металлами, выявление среди них биостимуляторов с высокой активностью и разработка для них международных товарных кодовых номеров на основе химического состава с внедрением в практику.

Задачи исследования:

